

тартибини сақлаш ва фукаралар хавфсизлигини таъминлаш бўйича услубий кўлланмани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи талаблари асосида “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда жамият ҳудудида профилактика инспекторлари хизмат вазифалари бажарилишини тўғри ташкил этиш;

-Ўзбекистон Республикасининг “Жамият” (институт, университет, корхона, ташкилот, шифохона, марказ, бозор ва бошқалар) фаолиятига оид амалдаги мавжуд қонун ҳужжатларини тўлақонли амалга ошириш ва сотувчи, харидор ҳамда тадбиркорлар ўртасида кенг камровли тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини ташкиллаштириш;

-жамият ҳудудига келиб-кетадиган фукараларни назоратга олиш, уларнинг шахсий хавфсизлик таъминлаш, тезкор чора-тадбирлар этказиш йўли билан содир этилиши мумкин бўлган кўпорувчилик ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган ишларни ташкиллаштириш;

-жамиятнинг савдо қилиш ҳудудлари, унинг атрофида ва автоуловлар тўхташ жойларида жамоат тартибини сақлаш, жиноят содир этилишини, тадбиркор ва харидорларнинг мол-мулкларининг ўғирланиши ёки уларга шикаст етказилишини олдини олиш;

-жамиятга қарашли бўлган юк сақлаш омборхоналарида тадбиркорларнинг мол-мулкни кўриқлаш ва ўғирлик, талон-тарож қилиш ҳолатлари содир бўлишига йўл кўймаслик;

-жамият ҳудудига пиротехника воситалари, Республика ҳудудига ноқонуний равишда олиб келинган товар-моддий бойликларини кириб келиши ҳамда сотилишини олдини олиш;

-амалдаги қонунчиликка мувофиқ паспорт тизими талабларини бажарилишини назорат қилиш;

- ДСИ,ДСЭНМ, бозор маъмурияти ходимлари билан ҳамкорликда белгиланмаган жойларда дўконлар оралиғидаги ва фукаралар ўтадиган йўлакларда, расталар оралиғидаги ерда, транспортлар учун белгиланган йўллар ва автотураргоҳларда ноқонуний савдо-сотик ишларни бартараф этиш ва йўл кўймаслик.

- фавқулодда ходисалар юзага келганида барча тегишли органлар ходимлари билан ҳамкорликда фукараларни эвакуация қилиш, тезкор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, бу борада уқув машгулотларни мунтазам равишда режали утказиб бориш:

-ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бевосита амалга ошириш ишларини ташкил этишда ЖҚБ, ЙХХБ, ЁХБ, ҚБ инспекторлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

-ҳуқуқбузарлик содир этилишини эхтимоли юқори бўлган жойларни доимий назорат қилиб бориш.

4.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

-ушбу шартнома бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

- “Бошқарма” ходимларнинг хизмат вазифаларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

-ҳудудда қонунчилик мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва хавфсизликни таъминлаш тўғрисида “Бошқарма” томонидан киритилган тақдимномалар юзасидан чора-тадбирлар белгилаш.

- “Бошқарма” билан келишилиши ва тасдиқланиши лозим бўлган ҳужжатларни ўз вақтида ўрганиб чиқиб, тасдиқлаш.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. «Буюртмачи» томонидан уз вақтида пул туловлари амалга оширилмаган ҳолларда, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0.5 фоиз миқдорда, лекин туланмаган сумманинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда «Бошқарма»га жарима тулайди.

5.2. Ижрочнинг ходими ишда асосиз равишда бўлмаганлиги учун ижрочи Буюртмачига бир кунлик профилактика инспектор хизмати нархнинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Ижрочи ушбу Шартнома ва унинг иловаларида кўрсатилган мажбуриятларни тегишли даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачисга етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

5.4. Ушбу шартномада қузда тутилмаган ҳолатлар бўйича томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юрутувчи субъектларнинг фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунига асосан тартибга солинади.

6. МАХСУС ШАРТЛАР

6.1. Ушбу шартномага мувофиқ ажратилган ходимларнинг иш фаолияти «Бошқарма» томонидан хизматга жалб этишнинг катъи меъёрий ва ягона жойлашув режаси асосида амалга оширилади.

6.2. «Бошқарма» ажратилган ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришини назорат қилиб боради, «Буюртмачи»нинг асосли расмий хатига асосан уз хизмат вазифаларига совуққонлик билан

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ
ТАШКИЛИЙ БОШҚАРМА ЮРИДИК ТАЪМИНЛАШ БО'ЛИМИ

ТЕКШИРИЛДИ

2019 йил №